

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақам оила
ЙИЛИ

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 27-МАРТ, СЕШАНБА, 37 (7966) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoшлаган
Баҳоcи кeлишлiгaн нaрхдa.



Гужум Хоразмининг туб ва ўзига хос дарахти. Бадий асарларда воҳанинг "гужумлар дёғри" деб улуғланиши ҳам шундан. Аслида бу асим дарахт 100 йилда етилиб, бир неча аср яшайди. Кейинги пайтда бу хушман-зара дарахтлар сийраклашиб бормоқда. Ўрмон хўжалигининг 5 тек-тарлик майдонида гужумзор ташкил қилингани эса қувончи ҳол.



Шу кунларда чорвадорлар кўзила-тиш мавсумига пухта ҳозирлик билан киришмоқдалар. Яқинда барча ширкат хўжаликлариди ана шунга бағишланган икки кунлик ўқув маш-гулотлари ўтказилди. Зоотехниклар, ветеринария врачлари ва бонитиров-качиларга керакли асбоб-анжомлар, дори-дармонлар, сирга ҳамда белги-ловчи воситалар тарқатилди.



"Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган минн-футбол бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш турнири якунига етди. Тошкентнинг "Ардус" жамоаси барча учрашуларда ғалаба қозониб, мусобақа-нинг финал қисмига йўл олди. Мусобақа қондасига кўра, минтақавий саралаш турни-рида дастлабки икки погонани эгаллаган жамоа Осиё чемпионатида тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритади.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА



► Тошкент врачлар ма-лакасини ошириш ин-ститутида мамлакатимиз шошилич тиббий ёр-дам хизмати ходимла-рининг республика та-нови голибларини тақ-дирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тан-лов якунларига кўра, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани тиббиёт бирлашмасининг Му-родилла Жўраев раҳбар-лик қилаётган шошилич тиббий ёрдам бўлими энг яхши, деб топилди. Унга бош соврин — "Да-мас" автоамбуланси-нинг қалити топширил-ди. Тошкент шаҳар шо-шилич тиббий ёрдам станциясининг 11-кичик станцияси шифокори К.Алланов энг мала-кали шифокор, Респу-блика шошилич тиббий ёрдам-илмий маркази Фаргона вилояти фи-лиалининг марказий шо-шилич тиббий ёрдам бўлими хайдовчиси Ш.Исмоилов энг мала-кали хайдовчи, деб эътироф этилди.

► Узун туманида "Сур-хон-Сун Милк" масъ-улияти чекланган жа-мийати томонидан сут-нин қайта ишлаш кор-хонаси фойдаланиш-га топширилди. Янги корхонада ҳар кун иш ўртача бир тонна сут қайта ишланади, 12 турдаги маҳсулот қадоқланаётди. Бу ерда ишлаб чиқари-лаётган сут маҳсуло-ларининг сифати ха-ридорларга манзур бўлмоқда.

► Тошкентда «Микро-кредитбанк» ошқ акция-дорлик тижорат банки акциядорларининг ум-вий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 2011 йилда банк кредитлари-дан фойдаланган хўжа-лик юритувчи киши биз-нес субъектлари сони 1,3 баробар кўпайгани қайд этилди. Ҳисобот даврида уларга 288,6 миллиард сўм ҳажмида-ги кредитлар ажратилди.

Сурхондарё Вилояти



Янги тармоқ янги иш ўринлари яратади

Жаркўрғон туманидаги "Искандар Исроил" фермер хўжалиги ҳар йили 169 гектар ер майдонида пахта ва галла етиштириб, салмоқли ютуқларни қўлга келтириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соври-ни учун ўтказилган "Ташаббус-2012" кўрик-танло-вининг Сурхондарё вилояти босқичида мазкур хўжалик раҳбари Омон Аҳадов "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда бу ерда чорвачилик ҳам жадал ри-

вожланаётди. Хўжаликда 195 бош қорамол, минг бошдан ортиқ майда мол парвариш қилинмоқда. Хўжаликдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш цехида ҳам маҳ-сулот тайёрлаш ҳажми тобора ортиб бораётди. Ўтган йили мазкур цехда 64 тонна сут қайта иш-

ланиб, мазали қаймоқ, қатик ва бринза маҳсулот-лари истеъмолчиларга етказиб берилди.

Фермер О.Аҳадовнинг айтишича, Мустақам оила йилида хўжаликда паррандачиликни йўлга қўйиш ҳамда иссиқхонани ривожлантириш, шу-нинг ҳисобидан ўттизга яқин иш ўринлари яра-тиш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: фермер Омон Аҳадов невараси Фирдавс билан.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 24 март кунн Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишнини тамомлади.

Сенаторлар ялпи мажлисининг ик-кинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органла-рининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилишдан бошлади. Мажлисда ҳисобот даврида прокуратура орган-лари томонидан қонун устуворлиги-ни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва дав-лат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш юзасидан катта иш амалга

оширилганлиги қайд этилди.

Прокуратура органлари олди-га қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан қонунларнинг ижро эти-лиши бўйича 26773 та текширув ўтказилди, текширишларнинг нати-жалари бўйича деярли 320 мингта прокурор назорати ҳужжати қўлла-нилди, 55 минг нафардан ортиқ фу-қаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди.

Прокуратура органлари томони-дан киши бизнес ва ҳусусий тад-биркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-

рини ҳимоя қилиш борасида қону-ни бузиш ҳолларини бартараф этиш бўйича 5 мингдан ортиқ про-курор назорати ҳужжати қўлланил-ди. Прокурор назорати ҳужжатла-ри билан 1639 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринла-ри ташкил этиш ва аҳоли бандлиги-ни таъминлаш дастурини тармоқлар-да ва минтақалар бўйича ижро этиш юзасидан прокурор назорати тадбир-лари мунтазам ўтказиб борилади.

Ҳисоботни муҳокама қилиш вақ-тида сенаторлар томонидан Ўзбеки-стон Республикаси прокуратура

органларининг мамлакатда қонуний таъминлаш борасидаги фао-лиятини, шунингдек, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, киши бизнеси ва ҳусусий тадбиркорли-кни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш устидан прокурор назоратини янада тако-миллаштириш юзасидан бир қатор тавсия ва тақлифлар баён этилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Респу-бликаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбе-кистон Республикаси Табиати му-ҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида-ги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

«ЎЗАРХИВ» ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзархив" инфратузилмасида амалга оширилаётган ишлар, хиз-мат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш, соҳа мод-дий-техник базасини мустақамлаш бўйича белгилан-ган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, бугун-ги кунда республикада фао-лият кўрсатаётган 102 давлат архивларида Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимо-ий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга молик 8,4 миллион сақ-лов бирлигига эга бўлган архив ҳужжатлари сақланмоқда. Ҳуж-жатларни тарих учун тўлақонли сақлаб қолиш мақсадида давлат архивларининг жамлаш манбаига киририлган ташкилотлар сони ҳозирги кунга келиб 9400 тадан ортиб кетди.

Республикада давлат архивларидан ташқари маҳаллий

ҳокимликлар ҳузуридаги 115 та идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архив-лари ва 29 та нодавлат архивла-ри фаолият юритмоқда. Идора-лараро шахсий таркиб ҳужжатла-ри архивларида 2,9 миллион сақ-лов бирлигигаги шахсий таркиб ҳужжатлари сақланади.

Мустақиллик йилларида соҳага ахборот-коммуникация техно-логияларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жум-ладан, давлат архивлари тўлиқ компьютерлаштирилди, архив идоралари ўртасида электрон ах-борот алмашинуви йўлга қўйилди, архивларда сақланаётган ҳужжат-

ларга оид электрон маълумот ба-залари яратилмоқда.

Архив ҳужжатларининг «умри-ни узайтириш ва келажақ авлод учун сифатли етказиш борасида барча марказий ва вилоят давлат архивларида сақланаётган алоҳи-да қимматга эга бўлган ҳужжат-ларнинг электрон нусхалари яра-тилмоқда. Бу билан тадқиқотчи ва фойдаланувчиларга ҳужжатлар-нинг электрон нусхалари билан ишлаш имконияти яратилмоқда. Бугунга қадар давлат архивлари-да сақланаётган алоҳида қиммат-ли ҳужжатлардан 870 минг varaқ ҳужжатнинг электрон нусхаси яратилди.

Давлат архивларида сақланаёт-ган бебаҳо архив ҳужжатларига бўлган қизиқиш йилдан-йилга ор-тиб, архивларда изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар ва ҳуж-жатлардан фойдаланувчилар ди-намикаси йил сайн кенгаймоқда. Агентлик веб-порталида инте-

ратив саҳифа ташкил этилган. Агентликка мазкур саҳифа орқали келиб тушаётган мурожаатлар сони йил сайн ортиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбе-кистон архив хизмати халқаро ҳамжамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Қатор давлатлар архив хиз-матлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар, келишулар ва меморандумлар имзоланди.

Хорижий давлатлар архивлари билан ҳамкорликни кучайтириш натижасида республикага илмий-тарихий ва сиёсий-маданий аҳамиятга эга бўлган 2,5 мингдан ортиқ ҳужжатларнинг нусхалари олиб келинди.

2008-2010 йилларда Жанубий Кореянинг техник қўллаб-қувват-лаш гранти доирасида 3 миллион АҚШ долларига марказий давлат архивларини ахборотлаштиришга йўналтирилган бўлса, 2011 йили Германиянинг Галле университети ҳамда Ўзбекистон Республика-

си Фанлар академияси тарих институти билан ҳамкорликда 500 минг АҚШ доллар миқдоридаги грантлар доирасида ишлар олиб борилади.

Мустақиллик йилларида архив иши ва иш юритиш соҳасини туб-дан ислох қилиш ҳамда унинг меъ-ёрий-ҳуқуқий базасини яратиш борасида "Архив иши тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши со-ҳада туб бурилиш ясаллишига асос бўлди.

Матбуот анжумани давомида мутасадди раҳбарлар томонидан соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, республика Ин-вестиция дастурига мувофиқ қури-лаётган янги архив бинолари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Анжуман якунида ОАВ ходимла-ри ўзларини қизиқтирган савол-ларга батафсил жавоб олдилар.

Ахмадхон РИХСИДЖЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

«ТАШАББУС» – ЯНГИ НОМЛАРНИ КАШФ ЭТМОҚДА

ЖОЙЛАРДА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН АНЪАНАВИЙ "ТАШАББУС" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАР БОСҚИЧЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Президент сов-рини учун ўтказилаётган "Ташаббус-2012" кўрик-танло-вининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.

Танловнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ки-чик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик имкониятини юзга чиқаришда маз-кур танловнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Танлов иштирокчиларнинг ўзаро тажриба алмашув майдо-нига, илғор технологияларни жорий этиш мактабига ҳам айланмоқда.

Танлов натижаларига кўра, "Энг яхши тадбиркор" — Бе-руний туманидан "Жайхун-дарё-деликатеси" ҳусусий корхо-насининг раҳбари Баҳром Абдуллаев, "Энг яхши фермер" — Хўжайли туманидаги "Собир ота" фермер хўжалигининг раҳбари Айтимбет Собуров, "Энг яхши хўнараманд" — Ну-қус шаҳридан хўнараманд Озод Ўтарбоев деб топилди.

— Хўжалигимиз аъзолари асосан чорвачилик ва деҳқон-чилик билан шуғулланади, 62 нафар киши доимий иш билан таъминланган, — дейди Хўжайли туманидаги "Собир ота" фермер хўжалиги раҳбари Айтимбет Собуров. — Фермер хўжалигимиз 367 гектар экин майдонига эга бўлиб, қармо-ғимизда 97 бош қорамол, 50 бош қўй-эчки боқилмоқда.

Ғолибларга махсус диплом ва танловнинг мамлакат бос-қичига йўлланмалар топширилди.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Муллатўйчи Тошмухаммедов номли вилоят мусикали драма театрида "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

— Ушбу кўрик-танловда туманимизда бўлиб ўтган "Та-шаббус-2012" ғолиби сифатида иштирок этишимиз, — дей-ди Шахрисабз туманидаги "Аҳмедов Ақтам Бухорович" ҳу-сусий фирмаси раҳбари Ақтам Аҳмедов. — 2009 йилда 31 минг АҚШ долларига замонавий технологияни хориждан келтириб ўрнатдик ва гофроқутиларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу билан тўртта иш ўрни яратдик. 2009 йили ялпи даромад 30 миллион сўмни, соф фойдамиз 4 милли-он сўмни ташкил этди. 2010 йилда эса ялпи даромадимиз 200 миллион сўмга, соф фойда 30 миллион сўмга тўғри келган бўлса, 2011 йилда ялпи даромад 400 миллион сўмни, соф фойда эса 74 миллион сўмни ташкил этди. Яна олти нафар ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга тортилдди. 2012 йилдаги режалар янада юксак. 193 минг АҚШ долларига замонавий ускуналар келтириляпти. Жорий йилнинг тўртин-чи чорагида унинг ишга тушиши орқали 17 та иш ўрни яратилди.

— Мазкур кўрик-танловга ўзгача қайфиятда келдик, — дей-ди Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги бошлиғи Иб-роҳим Холиёров. — Бизда нафақат пахта, дон етиштирилади, шу билан бирга, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сутни қайта ишлаш цехлари фаолият кўрсатяпти. Ба-лиқчилик йўналишида ҳам истиқболли одимларга эришяпмиз. Замонавий дала шйонимизда фермерларнинг ўқув маркази ташкил этилган. Айниқса, ўтган йил муҳтарам Президенти-мизнинг фермер хўжалигимизда бўлиб, берган қимматли йўл-йўриқ ва маслаҳатлари файратимизни янада оширди. 2012 йилда пахта, дон ҳосилдорлигини оширамиз, янги тармоқлар-ни ташкил этиб, қўллаб йш ўринлари яратамиз.

Кўрик-танловнинг якунига кўра, "Энг яхши тадбиркор" деб Яқабғон туманидаги "Элёр" ҳусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Робия Жумаева, "Энг яхши фер-мер" йўналишида Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжа-лиги бошлиғи Иброҳим Холиёров, "Энг яхши хўнараманд" номинациясида қаршилик Нилфулар Маҳматқуловлар ғолиб-лиқни қўлга киритишди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди. Бундан ташқари, қўшимча номинация-лар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма театрида "Ташаббус-2012" кўрик-танло-вининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иштирокчилар "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши хўнараманд" йўналишлари бўйича беллашдилар.

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот-лар кўрғазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдир-ди. Кўрик-танловда номийиш этилган маҳсулотлар тадбир-корларнинг вилоят иқтисодиётига салмоқли улуш қўшаёт-ганликларини яққол кўрсатди.

— Цехимиз тўла қувват билан ишлаяпти. Фаолиятимиз-нинг дастлабки кунларида қийинчиликлар сезилганди. Бу-гунги кунда уқуқлар сони ортиб борапти, — дейди Фориш туманидаги "For-text" жўни қайта ишлаш корхонаси раҳба-ри Бозоргул Тўраева. — 7 нафар ёш йигит ва қизларни иш билан таъминлаганимиз. Цехимизда калава ил, ёнғинга қарши ишлатиладиган кигиз, кийим-кечак, пайпоқ, жемпер ва ним-чалар тайёрланапти. Маҳсулотларимизни савдо расталари-га, ташкилотларга шартнома асосида етказиб берамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятини кўриб чиқар эканлар, сенаторлар атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тадбирлари бажарилишининг бориши устидан назоратни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш бўйича табиати муҳофазаси қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида ифлосланган моддаларни атмосферага чиқариш 5,2 минг тоннадан кўпроқ миқдорда қисқартирилди, 61,18 мингта автомобиль газ ёқилгисига ўтказилди, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида кон ишларини олиб бориш натижа-

сида бузилган 273,73 гектар рекултивация қилинган ерлар фойдаланишга қайтарилди. Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини жорий этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Айни вақтда 2012 йилда ва келгусида экологик хавфсизлиқни таъминлаш учун комплекс тадбирлар ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши талаб қиладиган айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам қайд этилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, ўтган йилда Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, Ўзбекистон Республика-

си Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 2011 йилда 23 та давлат органи тизимида 39 та ўрганиш ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари бўйича ушбу органлар ишида қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишига, норма ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини, давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилган ишнинг самарадорлигини янада оширишга эътиборни қўйиш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Конституция нормаларига мувофиқ ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини қўйиш юзасидан белгиланган қонунларни рўйга чиқариш доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мамлакат минтақаларида ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент эшитувини ҳам ўтказдилар. Мажлисида вазирлик томонидан бошқа манфаатдор идоралар, тармоқларнинг ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар билан бирга-



ликда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ҳамма йўналишлари бўйича тизимли иш амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди. Натижада Дастур 101,5 фоизга бажарилди. 970,9 мингта ёки назарда тутилганидан 14,6 мингтага кўп янги иш ўринлари ташкил этилди. Чунончи, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлиқни ривожлантириш жараёнида 113,1 мингта янги иш ўрни (101,1 фоиз) ташкил этилди. Қорвачиликка, паррандачиликка, балчиликка, боғдорчиликка, мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлашга иختисослашган фермер ва деҳқон ҳўжаликларини кенгайтириш, шунингдек, иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этиш 126,6 мингта (103,4 фоиз) иш ўрни ташкил этилишига олиб келди. Коллежларнинг 430,3 минг нафар битирувчиси бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, қўрилган қоралар натижасида 2011 йил охирига келиб 402,4 минг битирувчи ёки уларнинг 93,6 фоизи ишга жойлаштирилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда сўзсиз бажариш, шунингдек, ушбу

масъулиятли вазифани ҳал қилишда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиқни кучайтириш бўйича қатор тавсияларни баён этдилар.

Барча тингланган ҳисоботлар ва тақдим этилган ахборот юзасидан Олий Мажлиси Сенати тегшли қарорлар қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Сенатнинг икки кунлик мажлисида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни назарда тутадиган 21 та масала, шу жумладан 10 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

«ТАШАББУС» – ЯНГИ НОМЛАРНИ КАШФ ЭТМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

— Шундай кўрик-танловларнинг ўтказиб турилгани яхши, — дея суҳбатга қўшилди Пахтакор туманидаги "Харидор-барака" гўштни қайта ишлаш корхонаси раҳбари Акбар Муродов. — Яқинда иш бошлаганмиз. Тайёрланаётган маҳсулотларимиз бозорга чиқариляпти.

Кўрик-танлов ҳайати аъзолари тадбиркор, фермер ва хўнарамандларнинг маҳсулотларини бирма-бир кўздан кечириб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. "Ташаббус 2012" кўрик-танловининг навбатдаги ғолиблари маълум бўлди. "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Жиззах шаҳридаги "Жиззах-Кўхнур" пиллани қайта ишлаш корхонаси раҳбари Холисхон Бобоёва, "Энг яхши фермер" йўналишида Жиззах туманидаги "Чакчок" фермер ҳўжалиги раҳбари Зафар Ҳақимов, "Энг яхши хўнараманд" йўналиши бўйича Жиззах шаҳридан хўнараманд Файзулла Жўрабеков ғолибликни қўлга киритишди.

Ғолиблар энди кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашадилар.

Абулқосим АҲМЕДОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ўрта Чирчиқ туманидаги вилотия маданият саройи бу гал ҳам танловнинг вилотия босқичи иштирокчиларини қарши олди. Унда танловнинг ҳудудий саралаш босқичлари ғолиблари, тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тадбирда барчанинг эътибори уч асосий йўналиш ғолибини аниқлаб олишга қаратилди.



— Албатта, бу осон кечгани йўқ, — дейди Фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилотия филиали раҳбари, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Тўлқин Тўраев. — Негаки, ҳозир вилотиямизда 44 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам салкам 60 фоизни ташкил этади. Бугунги иштирокчилар, шубҳасиз, улар орасидаги энг муносиблардир.

Танлов натижаларига кўра, "Энг яхши тадбиркор" доридармон воситалари ишлаб чиқаришга иختисослашган "Дентафил-плюс" хусусий корхонаси раҳбари Комилжон Қосимов, "Энг яхши фермер" — "Гулнора Наврўз Барака" фермер ҳўжалиги раҳбари Гулнора Одилбековага насиб этди. Қиёралик уста-дуродгор Шавкат Юсупов эса "Энг яхши хўнараманд" йўналишида ғолиб деб топилди. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилотия босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 50 дан зиёд тадбиркор, фермер ва хўнараманд иштирок этди.

— Кўрик-танлов нуфузи йилдан-йилга ошяпти, — дейди Самарқанд вилотия ҳокимининг ўринбосари В.Раҳимов. — Жорий йилда танловнинг туман босқичларида беш юздан зиёд тадбиркор, хўнараманд ва фермерлар беллашгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Танлов якунларига кўра "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича Самарқанд шаҳридаги "Агро-Браво" масъулияти чекланган жамияти раиси Сирожиiddин Бердиев, "Энг яхши хўнараманд" номинациясида иштихонлик чевар Раҳима Ҳақимова, "Энг яхши фермер" номинациясида эса Тайлоқ туманидаги "Сиёб Шавкат оруз" фермер ҳўжалиги раҳбари Бахтиёр Маърупов ғолиб бўлди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуида Президент соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилотия босқичида туман ва шаҳарлар босқичларида ғолиб чиққан 30 дан ортиқ хўнараманд, тадбиркор ва фермер иштирок этдилар.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, ўтган йили вилотияда кичик бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги улуши 79,8 фоизни ташкил этиб, янгидан фаолиятини бошлаган кичик бизнес субъектлари сони 567 тадан ошганлиги, улар томонидан 6235 та янги иш ўрни яратилганлиги ҳам янги номлар — тадбиркор, хўнараманд, фермерларни кашф қилиш имконини берди. Кўргазмада ёш хўнараманд Гулчехра Маматқулованинг қовоқдан ясалган маиший уй ҳисозлари, Гулистон давлат университети физика факультети олимларининг иссиқхоналарда қуёш энергиясидан фойдаланиш, фермер ҳўжаликларида фотогенератор ёрдамида совитик ва компьютерларни ишлатиш, шунингдек, шу университет ижтимоий-иқтисодиёт факультети 3-босқич талабалари Маъруф Усмонов, Азиз Аслоновларнинг замонавий курилиш ашёлари ёрдамида (120 кунда) уй-жой куриш лойиҳалари қатнашларда қатна қизиқши уйғотди.

— Ўтган йили "Махсус полимер монтаж" корхонамизини ишга туширган эдик, — дейди янгиерлик тадбиркор Абдурашид Зиёев. — Ҳозир ҳар хил диаметрда 11 турдаги полиэтилен қувурларни ишлаб чиқаряпмиз. Сифатли маҳсулотимизга Самарқанд ва Андижон вилотларидан буюртмалар олдик.

Танловда Гулистон туманилик ёш хўнараманд Гулчехра Маматқулова "Энг яхши хўнараманд", Ховос туманидаги "Энерго қорванасл" масъулияти чекланган жамияти раиси Ойбек Нурумухаммедов "Энг яхши тадбиркор", Бобўвут туманидаги "Абдужаббор" фермер ҳўжалиги раҳбари Абдужаббор Каримов "Энг яхши фермер" номинациялари бўйича ғолиб чиқиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

"Ғузор" қорақўлчилик-наслчилик ширкат ҳўжалигининг Жайпат яйловиде вилотияда қорақўлчиликни ривожлантириш ва қўзилашти мавсумини муваффақиятли ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

ҚОРАҚЎЛЧИЛАР ЖАЙПАТДА КЕНГАШДИЛАР

Нафақат вилотияда, балки республикамизда ҳам йирик ҳўжаликлардан бири саналадиган ушбу ҳўжалик қўйчивонлари соҳада муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Қиш-кировли кўнларни беталафот ўтказган чорвадорлар айни пайтда қўзилашти мавсумига киришяпти. 45 минг 403 бош қўй-қўзининг яхши парвариш қилинганлиги тўғрисида жорий йилда ҳам муваффақиятлар салмоқли бўлиши кутилмоқда. Мавжуд 24 минг 210 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан юзтадан қўзи олиб, унинг 80 фоизини ўстиришга қолдириш учун бутун куч ва имкониятлар ишга солиняпти. 87 отар, шу жумладан, 70 та совлиқлар қўзилайдиган отарларда қишнинг узок муддат қўзилишига қарамасдан, ижобий натижаларга эришилди. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган амалий ёрдам тўғрисида чорвадорлар учун муҳим синов — қишловнинг қўнғилдагидек ўтиши таъминланди. Айни кўнларда Хомид Холмўминов, Тўлқин Абиров, Ботир Норбўтаев, Олим Бабилов, Панжи Тўрахоновлар бошлиқ оилавий пудратларда қўзилаштида яхши натижалар қўлга киритилляпти.

Жорий йилда вилотиянинг бошқа қорақўлчилик-наслчилик ширкат ҳўжаликларида ҳам ибратли ишлар амалга оширилляпти. Вилотиядаги мавжуд 262 минг бош қўй-қўзи, шу жумладан, 139 минг бошдан ортиқ совлиқлардан соғлом қўзи олиш учун аниқ тадбирлар режаси белгиланиб, изчиллик билан ижроси таъминланмоқда. 900 минг гектар йиловлардаги 620 та отарда қўзилаштишни намунали ўтказиш учун икки мингдан ортиқ мутахассис, ишчи ва чўпон-чўлиқлар жалб этилган. Қишнинг узок қўзилиб кетганлиги қўйивонлардан янада масъулият билан иш тутишни тақозо этди. Ҳар бир қорақўлчилик-наслчилик ширкат ҳўжаликлари кучли озукка, омихта ем билан таъминланди. Отарларда чўпон-чўлиқларнинг самарали меҳнат қилишлари учун етарли даражада шарт-шароитлар яратилди. Эндиги вазифа қўзилаштишни намунали ўтказиб соғлом қўзиларни ўстиришга қолдириш, баҳорги жун қирқимиде қўзланган натижага эришиш. Шунингдек, сифатли қорақўл тери тайёрлашдан иборат.

Вилотия қорақўлчиларининг кўргазмали семинарида ана шу ҳақда сўз борди. Унда соҳа мутахассислари, қорақўлчилик-наслчилик ширкат ҳўжаликлари раислари, илғор оилавий пудрат бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Кўргазмали семинарда "Ўзбек қорақўли" компанияси раиси Тўлқин Раҳимов, республика қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори Насрулло Бобокўлов ва бошқалар мустақиллик йилларида қорақўлчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб, 2012 йил вазифалари ва истиқболдаги режалар ҳусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбирда қўзилашти мавсумини намунали ўтказиш, сифатли ва соғлом қўзиларни ўстиришга қолдириш, жун, қорақўл тери тайёрлашни янада яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар режаси белгиллаб олинди.

Кўргазмали семинар қатнашчилари ўзаро тажриба алмашдилар. Анжуманда вилотия ҳокими Т.Жўраев иштирок этди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм Вилояти

ЎРМОН — БЕБАҲО БОЙЛИК МАНБАИ

ШУНИНГДЕК, ЎРМОНЛАР ҲАЙВОНЛАР, ҚУШЛАР УЧУН БОШПАНА, ДАЛА-ДАШТЛАРНИ ШАМОЛДАН, АЙНИКСА, ГАРМСЕЛДАН САҚЛОВЧИ ТАБИИЙ ТЎСИҚ ҲАМДИР. УНДА ЎСАЁТГАН ДАРАХТ ВА ЎСИМЛИКЛАР ҲАВОНИ ТОЗАЛАБ, ҲАЁТИМИЗ, СОҒЛИҒИМИЗ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН КИСЛОРОД БИЛАН БОЙИТАДИ.



Айни пайтда Хоразм вилотия ўрмон ҳўжалиги ихтиёрида 78586 гектар ер бўлиб, фақат Ҳазорасп туманидан Қорақалпоғистон Республикасининг Мангит тумани ҳудудигача бўлган Амурдарё бўйида 719 гектар тўронғилзор мавжуд. Ҳар йили режа асосида 1300 гектар майдонда ўрмонлар, тўқайлар ва бутазорлар барпо қилиш ҳамда тиклаш ишлари олиб бориляпти. Инсон меҳнати билан яратилаётган мазкур дарахтзорларнинг 300 гектари кўчатлардан, 1000 гектар майдон эса урудан қўпайтирилаётгани вилотия ўрмон ҳўжалиги мутахассисларининг ўз вазифаларига қанчалик масъулият билан ёндашаётганликларида дарак беради.

— Ҳўжалигимиз аъзолари ўрмонларни ўрганиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, ҳисоблаш ишларини амалга оширади. Ўрмонни ёнғиндан, зараркунанда ҳашаротлар ва турли касалликлардан ҳимоя қиладди. Ўрмон таркибидеги ерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўяди, — дейди вилотия ўрмон ҳўжалиги бошлиғи Бахтиёр Ражабов. — Жамомизда фаолият кўрсатаётган 85 нафар аъзоимизнинг асосий диққат-эътибори ана шу вазифаларни сидқидилдан бажаришга қаратилган. Ахир ўрмон ва ўрмон ерлари ҳам бойлиқларимиз манбаи сифатида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўзига хос аҳамиятга эга.

Ўрмонларни кенгайтириш, дарахтлар сонини ошириш ишлари Тўямўйин, Хива ўрмон бўлимларида ҳам самарали олиб борилмоқда. — Узок йиллардан буён ўрмонбегиман, — дейди Мақсуд Хайтаков. — Ҳудудимда ўсаётган ҳар бир дарахт, гнёҳ менга қадрли. Бу ерлар табиий ўрмон. Тўронғиллар томирдан кўкараверади. Лекин уларни асраш, керак. Ҳудудни пайқон қилиш, дарахтларни ўзбошимчалик билан кесишнинг олдини олиш мақсадида эрта кеч бириктирилган

майдонларни айланаман. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ўрмон кезсангиз, баҳри дилнингз очилади. Баҳор ва ёзда турли қушларнинг ёқимли сайрашлари, қузда жийдаларнинг қуёш нурида чўғдек товланиши...

Ўрмон ҳўжалиги раҳбари билан суҳбатимиз сўнги йилларда дарахтзорлар майдонини кенгайтириш, воҳа иқлим шароитига мос янги дарахт навларини етиштириш ҳақида бўлди.

— Очигини айтганда, авваллари табиий мавжуд бўлган ўрмонларни қўриқлаб юраверардик, — дейди у. — Кейинги йилларда эса воҳа шароитида қадимдан ўсиб келаётган тўронғил, терак, тол, жийда каби қўп йиллик дарахтларни ҳам қаламча қилиб ўтказишга эътибор қаратмоқдамиз. Янгилик сифатида шуни ай-

тиш мумкинки, ҳозирда ўрмонларимизда яман, маклури, клион каби янги дарахт ва буталар экишни йўлга қўйдик. Шунингдек, сўнги 3-4 йил ичида вилотиямиз бўйича саккиз юз минг тупдан зиёд япон сафораси экилиб, парваришланаётгани қувончли ҳол. Бу каби қўчатларни турли ташкилотлар, фермер ҳўжаликлари ҳам харид қилишиб, ўз майдонларига экишмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида 800 минг тупдан зиёд қўчат етиштирдик.

Гуҷум Хоразмнинг туб ва ўзига хос дарахти. Бадиий асарларда воҳанинг "гуҷумлар диёри" деб улуғланган ҳам шундан. Аслида бу азим дарахт 100 йилда етилиб, бир неча аср яшайди. Ундан усталаримиз томонидан ўйма нақшлар бериб ясалган устунлар, стол-стул ва

бошқа жиҳозлар чидамлилиги билан ажралиб туради. Гуҷумнинг япроқлари қалин бўлганидан тағига қуёш нури тугул, унча-мунча ёмғир ҳам ўтолмайди. Кейинги пайтда бу ҳушманзара дарахтлар сийраклашиб бормоқда. Ўрмон ҳўжалигининг 5 гектарлик майдониде гуҷумзор ташкил қилинган эса қувончли ҳол, албатта.

Ҳўжалик ҳисобидеги ҳайдаладиған ерлардан 8 гектари кўчат етиштиришга ажратилган. Пиллачиликни ривожлантириш мақсадида ўрмон ҳўжалигида 600 минг туп тут кўчати ўстирилмоқда.

Истиқлол йилларида боғлар яратишга катта эътибор қаратилаётганлиги боис 8 гектарлик боғ ташкил қилинди. Боғда олма, ўрик, шафтоли, анор, беҳи, нок, олма-рут каби мевали дарахтлар парваришланмоқда. Шунингдек, жамоа аъзолари оилалари дастурхони мўл-қўлчилиги таъминлаш, ички бозорни озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳисса қўиш мақсадида қунағабоклар, шолли, сабзавот ва полиз экиллариининг барча турларидан экилиб, мўл ҳосил етиштириляпти. Қорамчилик, паррандачилик, балчилик, асаларичиликка иختисослашган ёрдамчи тармоқлар фаолияти самарали йўлга қўйилган. Саноят ишлаб чиқариш цехида эса ёғоч қутилар, қамиш пилталар, супурги ва бошқа уй-рўзгор буюмлари тайёрланмоқда. Мазкур цехда ўтган йили 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳа, қайси бир жамоада иш учун масъулилик, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўиш, келажак авлодга обод Ватан қолдиришдек юксак инсоний бурчни англаш каби фазилатлар бор экан, улар ишида доимо муваффақият кўзга ташланади. Хоразм вилотия ўрмон ҳўжалиги аъзоларининг ана шундай улуғвор мақсадлари улар амалга ошираётган ишларда намоён бўлмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

ФОРИШ ЯЙЛОВЛАРИДА

КИШЛОВНИ БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗГАН ЧОРВАДОРЛАР МУҲИМ МАВСУМ — ҚЎЗИЛАТИШГА КИРИШМОҚДАЛАР

Форишликларни "етти ёшдан етмиш ёшгача чорвадор" дейишади. Аслида туманда сершира узумлар, тилими тилини ёради-ган лалии қовун-тарвулар ҳам етиштирилади. Аммо аксарият аҳоли чорвачилик ҳадисини обдон олган. Айни пайтда туман аҳолиси ихтиёрида 31 минг бошдан зиёд қорамол, 225 минг бош қўй-эчки, 1,5 минг бош йилқи ва бошқа чорва моллари бор. Бунга фермер хўжаликлари ҳисобидида 2,5 минг бош йирик шохли моллар, 26 минг бош майда моллар ва ширкат хўжаликлари тасарруфидида 189 минг бошдан зиёд қоракўл қўйлар кирмайди. Шу боис, тумандаги бозорларга кирсангиз, моллару гўштнинг бошқа бозорлардагидан анча арзон ва сероблигини кўрасиз.

— Туманимизга келиб-кетувчилар бозорларимиздан гўшт сотиб олишга ҳаракат қилишади, — дейди "Фориш" қоракўлчилик ширкат хўжалиги бош қўпони Шодмурод Завқов. — Фақат арзонлиги эмас, шифобахшлиги учун ҳам. Негаки, молларимиз тоғ ва тоғолди яйлов-ўтлоқларида боқилади. Кўплаб доривор гиёҳлар билан озикланади. Бу — гўштнинг шифобахш хусусиятини таъминлайди.

Отаримизда 500 бошдан зиёд қоракўл қўй бор. Бу йил қиш анча қаттиқ келди. Шундай бўлса-да, қишловни беталафот ўтказдик. Ширкатимиздаги Шодидёр Анжиров, Абдурашид Курбонов, Аёзбек Эргашев сингари тажрибали чорвадорлар бошчилик қилаётган

отарлар қўпон-қўйларни бу мавсумда ҳар 100 бош совлиқдан 110 бошдан соғлом қўзилар олишга ҳаракат қилишяпти...

— Туманимизда чорвадорлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилляпти, — дейди чорвачиликка ихтисослашган "Ибод ота" фермер хўжалиги раҳбари Камолжон Ибодов. — Ўтган йил яйловларимизда ўт-ўланлар кам бўлди. Эҳтиёжимизга етадиган даражада дағал хашак йиға олмадик. Вилоят ва туман ҳокимликлари бошқа туманлардан дағал хашак, арпа-буғдой сомонлари, маккажўҳори ва ерғоққоялар олиб келишимизда амалий ёрдам кўрсатиб, мушкулларимизни осон қилишди. Туман "Омихта ем" масъулияти чекланган жамияти ҳам



қатор қулайликларни яратмоқда. Шелуха, омихта ем, ёрма, кепак сингари маҳсулотлар билан узул-сиз таъминляпти.

— Ширкатимиз тасарруфидида 17 отарда 8 минг бошдан зиёд қоракўл қўйлар боқилади, — дейди ширкат раиси Пўлат Очилов. — Қўпонларимиз чорва маҳсулдорлигини ошириш билан бирга, наслини яхшилашга ҳам эътибор беришаётир. Айни пайтда қоракўлчи-

тиришга ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз. Масалан, ўтган йили Шодмурод Завқов, Абдурашид Курбонов, Латиф Файзиев, Ўстмурод Турдиев ва бошқа илгор қўпонларимизнинг ҳар бири 15-20 бошдан қўзи ва 1,5 миллион сўмгача пул билан мукофотланди.

Шу кунларда чорвадорлар қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик билан киришмоқдалар. Яқинда барча ширкат хўжаликларида ана шунга бағишланган икки кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди. Зоотехниклар, ветеринария врачлари ва бонитировкачиларга керакли асбоб-анжомлар, дори-дармонлар, сирға ҳамда белгилловчи воситалар тарқатилди. Бундан ташқари, тумanning "Богдон", "Мустақиллик", Мусоқул Оролов номли, ҳатто, марказдан қарийб 250 километр узоқликдаги "Дарвоза", Еримбетов номли, Амангелди номли ширкат хўжаликлари чорвадорлари ҳам мобил алоқа воситалари билан таъминланди. Демак, йил сайин эл мазмунчилигини оширишга ҳаракат қилаётган туман чорвадорлари бу йил янада катта меҳнат ютуқлари олдиде туришибди.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сурхат Вилояти

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий ақуна-ри ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда галла, пахта, сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришда катта ютуқларга эришилаётганиги баробарида ҳали қишлоқ хўжалиги соҳасида агротехник тадбирларни бажаришда замонавий агротехнологияларни қўллаш, шунингдек, селекция ва уруқчиликни яхшилашда ишга солинмаган имкониятлар ҳам борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

МАЙСАЛАР РИВОЖИ КЎНГИЛДАГИДЕК

Дарҳақиқат, деҳқончиликда илгор тажрибаларга амал қилиш, ер, тупроқ шароитига қараб навларни тўғри жойлаштириш галла ва пахтачиликда ҳосилдорлигини янада ошириш имконини беради. Айниқса, галла экинларини минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиришни ўз вақтида юқори агротехник асосида ўтказиш Мирзачўли шароитида сифатли ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда исбот этаётди. Буни Сайхунбод тумани галлакорлари эришяётган ютуқлар ҳам тўла далиллабди. Чунончи, ўтган йили минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиб, занг ва бошқа галла касалликлари қарши аниқ чора-тадбирлар белгиланганлиги натижасида туманда 28 минг тоннадан ошиб сара дон хирмони барпо этилди. Омиқкорона иш юритаётган "Бегали", "Убайдулла ҳожи", "Фахриддин хўжа", "Қурбонхўжа" фермер хўжаликларида ҳар гектар майдонда 55-60 центнердан дон етиштирилди.

Мустаҳкам оила йилида ҳам катта мақсадларни қўлаб иш юритаётган туман галлакорлари 11 минг 400 гектар майдондаги галла майсаларининг қишга тўлиқ туллаб қиришига эришдилар. Биринчи озиклантириш даврида гектарига 200 килограммдан суперфосфат берилди. Февраль ойи охири ва март ойи бошларида қишлоқдан чиққан, барваж ривожланаётган майсалар яна гектарига 150 килограммдан азотли ўғит билан озиклантирилди.

— Галла ривожини янада тезлаштириш, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш мақсадида декабрь ва январь ойларида 58 минг тонна маҳаллий ўғит жамғардик, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи Одилов Саидов. — Айни ҳоғда маҳаллий ўғитни эгитларга "шарбат" усулида оқизишни бошлаб юбордик. Ҳар гектар майдонга 4,5-5 тонна гўнг "шарбат" қилиб оқизилаётди. Иккинчи озиклантиришдан кейин берилган "шарбат" майсалар илдизини қиздириб, уларнинг барваж, бақувват бўлиб ўсишини тезлаштирди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона Вилояти

«ТАЪЛИМ ҲОМИЙСИ» НИШОНИ — ХИЗМАТЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Мўсинжон Меҳмонови Фарғонада энг саховатли кишилардан бири дейишади. Ақлини танибдики, энг хизмат қиладиган, ҳаммага яхшилик улашади. Бу хислат унга отасидан юққан. Чунки раҳматли падари бузруквори Дадажон ака Меҳмонов ҳам оқибатли, маърифатли одам бўлиб, умри давомида ҳалқ таълими соҳасида фаолият юритди. Устозлик шарафини улуғлади.

Мўсинжон ўзи танлаган соҳа бўйича ўқиди. Инженер-техник мутахассислигини эгаллади. Кўп йиллар Қувасой цемент заводида ишлаб-қариб, бу ерда чиқадиган маҳсулотлар сифатини оширишда салмоқли хисса қўшди.

М.Меҳмонов қишлоққа саноатни олиб кириш, натижада аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида ўтган йили Лашкар, Қоқилон, Ўрикзор, Чек қишлоқлари ўртасида шифер ишлаб чиқарувчи қўшма корхонани ишга туширди. Бу билан 250 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. Жамоянинг моддий-маънавий эҳтиёжини қондириш учун ҳодимларга 50 миллион сўмлик маблаг ажратилди. Ҳалқ таълими соҳасига, саховат уларига, тиббий тез ёрдам бўлимига, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, ногиронлар уйига 250 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

— Қўшма корхонанинг иккинчи

навбати ҳам ишга тушиши билан завод тўла қувват билан маҳсулот бера бошлади, — дейди Мўсинжон Меҳмонов. — Кунига 11 минг дона шифер ишлаб чиқаряпти.

Янги қад кўтарган баланд бинони айланар эканмиз, ишчиларга яратилган шароитни кўриб уларга ҳавасимиз ортди.

Валик қишлоғидан келиб ишлаётган Равшан Маматиброҳимов, Баҳромжон Солиевлар эса энг мураккаб дастгоҳларни бошқариб, лойқоришга тайёрлаб беришяпти. Ўрта қишлоғилик Илхом Ражабов бўлса, осмонлар кранни бошқаряпти. Қоқилонлик Исмоилжон Мингбоев, қақирлик Ойбек Мирзалиевлар ҳам ўз меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Айниқса, лаборатория ходимлари Раҳимжон Аҳмаджонов, Озоджон Идрисоваларнинг вазифалари ниҳоятда масъулиятли. Улар маҳсулотнинг сифатига жавоб беришади. Ҳар бир шифернинг оғирлиги, юпка-қалинлиги

ва узунлик ўлчамининг стандартга жавоб бериши синчиқлаб текширилиб, шкалада 5,6-6,2 кўрсаткич берса, тайёр шифер эса 250 килограммгача юқни кўтара олса, демак, маҳсулот кўнгилдагидек чиқаяпти экан.

— Аввало, тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Президентимизга раҳмат, — дейди корхона раҳбари. — Мустақиллик йилларида юртимизда рўй берган ўзгаришларни чамалаб қишангиз, мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Бунёдкорлик, яратувчанлик бобида асрга татийдиган янгиликлар қилинди. Бу ишларга имкон қадар улуш қўшаётганимиздан гоё хурсандимиз.

— Барака топсин, Мўсинжон қишлоғимиз аҳли учун хайрли ишни бажарди, — дейди Ўрикзор қишлоғида яшовчи Тошпўлат ота Ганиев. — Жорий ўқув йили арафасида барча қулайликларга эга, замонавий мактаб биносини ўз ҳисобидан қуриб, ишга туширди. Компьютер ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Тадбиркор ҳалқ таълими соҳасини ривожлантиришга қўшган хиссасини учун "Таълим ҳомийси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Мазкур кўкрак нишони мактаб жамоаси,

маҳалла аҳли ва кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда эгасига топширилди.

М.Меҳмонов янги йилни улкан режалар билан бошлади. Ушбу йилда темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш ва технологик хизмат кўрсатиш шўъба корхонасини очиш ҳамда цемент ишлаб чиқарувчи мини завод фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида. Тадбиркор бу билан 250 нафарга яқин қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашни режалаштирган.

2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб номлангани муносабати билан корхона ишчи-ҳодимларига йил мобайнида моддий рағбат кўрсатиш белгиланди. Унга қўра, мазкур йилда оила қурадиган ёш ишчи-ҳодимларга 2 миллион сўм, хатна тўйи учун 1,5 миллион сўм, фарзанд қўрганларга 1 миллион сўм, фарзанди 1-синфга борадиганларга 500 минг сўм миқдорда пул маблағлари берилди.

Юртимизда Мўсинжон Меҳмонов каби ишбилармон, саховатли кишилар бор экан, шаҳар қишлоқларимиз янада обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверди.

Абдулжаббор ХУСАНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ХОВЛИДАГИ ХАЗИНА

ТОМОРҚАЧИ ҚУМАРИҚЛИКЛАР

Тўйтепа шаҳридан Тошкентга қараб кетишда Қумариқ маҳалласи жойлашган. Уни томорқачи деҳқонлар маҳалласи дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Қумариқликлар томорқадан унумли ва самарали фойдаланиш борасида тажриба мактабини яратишган.



Хонадонлар томорқаларидаги кичик иссиқхоналарда ва плёнка остида экин парвариши қилиш намунаси йўлга қўйилган. Хонадонларда 12 та иссиқхона бўлиб, уларда помидор, бодиринг, лимон, қўкатлар ва эртаги сабзавот қўчатлари етиштирилади. Маҳмуд Пўлатов иссиқхонада помидор, Дилмурод Йўлдошбеков бодиринг парвариш-лаш бўйича тажрибага эга бўлишса, Мухаммад Убайдуллаевни лимончилик устаси сифатида билишади.

Ҳаммамизга маълумки, эртаги сабзавот экинлари қўчатлари иссиқхоналарда етиштирилиб, февраль ойида плёнка остига ва баҳорнинг бошида очик далага ўтказилади. 8 та хонадондаги иссиқхонада айнан эртаги сабзавот экинлари қўчатлари парвариш-ланади.

Абдухамид Аҳмедовнинг оиласи ўзига тўқ, рўзғори бут.

— Билган одамга томорқа туганмас хазина, — дейди у. — Бир сотилиш иссиқхонамизга қарам уруги селиб, 20 минг туп атрофидан қўчат оламиз. Шундан 5 минг тупини февраль ойининг бо-

шида томорқамизга плёнка остига ўтказамиз. 15 минг тупини томорқачиларга сотамиз. Биз асосан доривор ҳисобланган гулқарам ва бошли қизилқарам экаимиз. Гулқарамда йод моддаси кўп бўлиб, бўқоқ касаллигининг олдини олади. Бошли қизилқарамнинг барглари қандили диабет касаллигига доривор ҳисобланади.

Абдухамид Аҳмедовнинг мўъжазгина иссиқхонасида барқ уриб ўсаётган қарам қўчатлари озиқ-овқат маҳсулотига эга, дориворлик хусусиятига ҳам эга эканлиги кўпчилигимизни шод қилди. Бундай ихчам иссиқхонани қуриш унчалик катта харажат талаб қилмайди. Истақ ва ҳаракат бўлса, бас. Даромад эса томорқачиларнинг ҳисоб-китобиغا қараганда, бир оила сарф-харажатларига бемалол етади.

— Маҳалламиз хонадонларида қиш ойларида плёнка остида қўкатлар, редиска, сабзи ва қизил лавлага парвариш-лаш ҳам йўлга қўйилган, — дейди Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини Қумариқ маҳалласи оқсоқоли Баҳром ака Эркабоев. — Бу экинлар уруғлари

ноябрь, декабрь ойларида сепилиб, март, апрель ойларида дастурхонга тортишга тайёр бўлади. Томорқачиларимиздан Азим Пўлатов, Зухриддин Турдубоев, Дилмурод Алимбековлар қўкат, Зокир Қурбонов, Бахтиёр Тоғоевлар сабзи, қизил лавлага, Комил Аширов, Толиб Жамолов, Шерзод Холбековлар редиска етиштириш бўйича бой тажрибага эга.

Маҳаллада плёнка остига эртаги сабзавот қўчатлари ўтказишга тайёрларик ишлари амалга оширилаётганининг ғувоҳи бўлдик. Оқсоқолнинг маълумот беришича, яқин кунларда юздан зиёд хонадон томорқасида плёнка остида сабзавот парваришига киришляпти.

Маҳалла хонадонларидаги томорқа хўжаликларида қиш ойларида турли хил деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тажриба мактабига ўқитиш мумкин. Бу борада қумариқликлардан ибрат олса бўлади.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ, Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат.

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Республикамизда тамаки маҳсулотларига акция маркаларини қўллаш, шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акция солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёҳуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

«КАШАНДА» ВАГОНЛАР

Шу мақсадда 1996 йилнинг 1 октябидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акция маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан, тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акция маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш эса тақиқлаб қўйилди.

Ақлия вазирлигидан 1999 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акция маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги 589-сонли йўриқномада белгиланган ушбу тартибларга амал қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш борасида Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда.



Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикаимиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 160 та қўнунбузарлик ҳолатида қиймати 118 млн. сўмга яқин салкам 62,5 минг қўти тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Хоразм вилояти божхоначилари томонидан республикаимиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган юк поезде божхона назоратидан ўтказилганда, ундаги вагонлар остига қиймати 2,1 млн. сўмлик 1400 қўти "Pall Mall" тамаки маҳсулотлари яширилгани аниқланди.

Марҳамат туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари қўриб, жуфтакни ростлаган қимсаннинг "қўён" бўлиши бекорга эмас экан. Чунки у қиймати 1 млн. сўмлик 1000 қўти "Classic" маркали сигареталарни яширинча олиб киришга уринган эди.

Худди шундай ҳолатни Янгйўл туманининг чегара ҳудудида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари қўриб, жуфтакни ростлаган яна бир қўнунбузар ўз бошидан кечиргани аниқ. Чунки ундан қиймати 24,3 млн. сўмлик 3 турдаги 2080 қўти сигареталар "эсдалик" қолди.

Учқўрғон туманини қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлда "қўён" бўлган қўнунбузар эса қиймати 6 млн. сўмлик 4000 қўти "Classic" сигареталарининг баҳридан ўтишга мажбур бўлди.

Андижонлик божхоначилар томонидан айланма йўлда харақатланаётган "Тико" русумли автомашина тўхтатилиб текширилганда, унда марҳаматлик Ё.Турсунов томонидан божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва қўшни давлатнинг акция ёрликлари ёпиштирилган 4490 қўти тамаки маҳсулотлари мамлакатимизга ноқонуний равишда олиб кирилатганини аниқланди.

"Нексия" автомашинасини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда божхона назоратидан ўтказган фарғоналик божхоначилар қиймати 7 млн. сўмдан ортиқ бўлган 4 турдаги 7130 қўти тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйишди. Муқаддам айланма йўллар орқали кичик туркумларда олиб қирилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган мазкур тамаки маҳсулотлари водиллик О.Турғунова тегишли экан.

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ҳодимлари томонидан йирик туркумдаги тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Республикаимиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган юк поезде божхона назоратидан ўтказилганда вагонлардан бирига "LD" маркали 6 минг қўти тамаки маҳсулотлари яширилгани аниқланди. Вагон қўзатувчилари Г.Гюргин ва М.Алексаңдре "ҳам саёҳат, ҳам тижорат" нақлига амал қилиб, йўл-йўлакай ўзлари билан қиймати 19,2 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб ўтишни қўлашган экан.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттиришмоқда.

Хусан ТАНГРИЕВ, Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори.

Самарқанд Вилояти

Самарқанд туманида азалдан деҳқончилик илмини чуқур ўзлаштирган меришқору бобгонлар кўп. Бу ерда бир қарич ер ҳам бўш қолмайди. Деҳқонлар йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳосил олишга ҳаракат қилишади. Тумандаги «Аъзам-Азамат-Агро» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Султонов ҳали ёш бўлишига қарамай, тумандаги энг илгор деҳқонлар билан ҳар томонлама беллаша олади.

Омад отини минган фермер

— 2006 йилда 21 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этдик, — дейди ёш фермер. — Бугунга келиб тасарруфимиздаги ер майдонини эса 53 гектарга, домий ишчиларимиз сонини 35 нафарга етди. Мавсум пайтида ишчилар сонини юздан ошадим. Асосан галла ва сабзавот етиштиришимиз. Бундан ташқари, чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. 57 бош қорамолимиз бор. Ойига уч ярим, тўрт тонна сутини мактабгача таълим муассасалари ва шифоналарга шартнома асосида арзон нархда етказиб бериляпти. Олинган фойдадан эса хориждан сотдор моллар харид қилишга ҳаракат қилияпти. Шу кўнчага Беларус давлатидан тўрт бош сотдор қорамол келтирдик. Уларни қандай парвариш қилишни ўзлаштириб олдик. Жорий йилда яна йигирмата зотли қорамол харид қилиш учун шартнома тўздик.

Фермер доимо изланишда. Ўтган йили сизими 820 тонналик замонавий совиткичхона ҳам қурди. Бунда «Хамкорбанк»нинг вилот бўлими томонидан ажратилган 110 минг АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредит қўл келди. Хориждан олиб келиб ўрнатилган совиткичларда фермер хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлардан ташқари, қўшни хўжаликлар сабзавотлари ҳам сақланмоқда.

— Ҳозирда совиткичхонамизда уч юз тонна сабзи, икки юз тонна пиёз ва уч юз тоннадан ошкорик олма сақланяпти, — дейди фермер. — Уларни ҳадемай бозорга чиқарамиз. Бозорда маҳсулот кўп бўлса, «илик узилди» пайтида ҳам нарх-наво кўтарилмайди. Ҳали айтганимиздек, Аҳмаджон бир жойда тўхтаб турадиганлар хилиданмас. Фермер хўжалигида агротехник тадбирларни бажариш учун икки дона трактори бор. Жорий йилда яна битта ҳайдов трактори харид қилишмоқчи.

— Замон билан ҳамқадам юрмаган фермер ютказди, — дейди у. — Мавжуд тракторларга ишониб ўтирадиган бўлсак, яна уч-тўрт йилдан кейин қўшинлардан ортада қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, сутини қайта ишлайдиган миничек харид қилишни режалаштириб турибман. Бунинг учун барча зарурий ҳужжатларни тахлаб қўйганмиз. Қолаверса, замонавий совиткичмиз бўлиб, ўзимиз кўпроқ мева етиштирмасак бўлмайди. Шунинг учун, туманимизда барпо этилган интенсив боғларда бўлиб, уста деҳқонлардан шарт-шароитини ўргандик. Насиб бўлса, интенсив боғ яратиш ниятидамиз.

Ақбар ҚАРШИЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон
Республикаси«МАЪНАВИЯТ ОЙЛИГИ»
ТАДБИРЛАРИ

Наврўз шукуҳи давом
этаётган шу кунларда
Тўртқўл туманида «Маъна-
вий ойлги» тадбирлари
ўтказилмоқда.

«Маънавий ойлги» давомида ўтказилаётган тадбирларда Наврўз тантаналарида иштирок этолмаган кекса ва бемор кишилар хонадонларига маҳалла, овул фуқаролар йиғинлари фаоллари ташриф буюриб, хабар олмақдалар. Ҳокимлик, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари 100 ёшдан ошган момолар — Сарвижа-мол Ибрагимов, Холида Бобоно-ва, Тўхта Ёқубовлар ҳузурига бор-дилар. Шунингдек, шифохонада да-воланаётган беморлар ҳолидан хабар олиниб, кўнгил сўралганлиги, сўхат тилаб, совға-саломларини топшир-ганликлари хайли ишларнинг бир кўриниши бўлди.

Хар йили «Зухра Юлдуз» тўйхона-сида сумалак тайёрлаб, маҳалладор-ларига тарқатиб келаётган тадбиркор Мунира Бобонованнинг бир гуруҳ ижодкорларни тўйхонага таклиф қилиши Гагарин маҳалласида яшов-чи адабиёт ва санъат ихлосмандла-ри учун ахойиб маънавий-маърифий учрашув бўлди. Маҳалладаги кичик-тойлару нуручиюлар ҳам сумалак баз-мига ўзгача фойз қилишти. Бу йил-ги «Маънавий ойлги» тадбирларин-нинг ана бир жиҳати шундаки, у ма-ҳалла-ойла-коллек-мактаб-болалар богчаси доирасида амалга ошири-лаётир.

Қурбонбика ЮНУСОВА

К вниманию фермеров, предпринимателей,
владельцев теплиц и руководителей предприятий

Предприятие «ROBI-R.R.R» (г. Ташкент)
Из сырья Узбекистана, России, Украины, Туркмени
производить и продаёт

ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ПЛЁНКИ

Толщина: от 0,02 до 200 микрон
Ширина: от 5 см. — до 2 метр
Полиэтиленовые плёнки типа: «тепличные», «арбуз-
ные» и другие.

Мешки полиэтиленовые, мешки полипропиленовые
а также, полиэтиленовые «стаканчики».

Полиэтиленовые пакеты для упаковки денежных ку-
пюр в банках.

КРОМЕ ЭТИХ ПАКЕТЫ ТИПА:
«МАЙКА», «ОТРЫВНЫЕ», «РУЛОНЧИКИ»,
ПАКЕТЫ (5, 10, 25 КГ.) С РИСУНКАМИ.
ПАКЕТЫ ПРОПИЛЕНА.



Товары сертифицированы

Утеранный план квартиры по адресу: ул. Буюк Ипак Йули д. 137 кв-ра 102,
выданный М.Улугбекским БТИ на имя Талибовой Зулфия Истамджановны, счи-
тать недействительным.

ООО «NEVILLE SERVICE» (ИНН 205743862) сообщает об уменьшении Уставного
фонда с 3 308 133 477,18 сум до 241 125 935,80 сум. Кредиторы имеют право
предъявлять претензии в течение 1 месяца с даты опубликования данного объяв-
ления по адресу: Самаркандская обл. Пастдаргомакский р-н г. Жума станция «Пас-
даргомак». Тел.: (99896) 221-10-11. Факс: 222-32-07.

ЧФ «ORASTA-BEGUYIM» (ИНН 204258739), зарегистрированное отделение гос.
регистрации субъектов предпринимательства хозяйства Чиланзарского р-на г. Таш-
кента, расположенное по адресу: Чиланзар-15, 14, 50, ликвидировано (протокол
собрания № 1 от 26.03.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с
момента опубликования данного объявления по тел.: 417-47-07.

ООО «TEK-LOGISTIK BIZNES» (ИНН 301192434) Запятичского р-на Ташкент-
ской обл. сообщает об уменьшении уставного фонда с 52 600 000 сум до 22 070
000 сум. Тел.: 188-57-65.

Утеранную лицензию на оптовую торговлю за УЧ № 008550 (реестр № 1001/
08), выданную торговому департаментом хозяйства Чиланзарского р-на от
26.03.2012 г. на ООО «OMAD ISHONCH SERVICE», считать недействительной.

Утеранную государственную (патент) № 08-06537 (реестр № 0807780) выданную от
29.09.2011 г. отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хозяй-
ства Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Собиеровой Хикмат Дусматовны,
считать недействительной.

Утеранный диплом № 205315, выданный 22.07.1999 г. Ташкентским Государ-
ственным Педагогическим Университетом на имя Тахировой Камолы Абдураза-
ковны, считать недействительным.

Утеранную государственную № 005378 выданную 14.10.2011 г. хозяйством Юнусбад-
ского р-на на ООО «MIGHTY TIGER» (ИНН 207133038) считать недействительной.

ЧП «LOBAN TEXSERVICE» (ИНН 301210204), зарегистрированное Сергелий-
ском р-не г. Ташкента (реестр № 002084-06, 04.06.2009 г.), расположенное по адресу: г.
Ташкент массив Узгарши д. 8 кв-ра 14, ликвидировано. Претензии принимаются
в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО «DYSGARANT» (ИНН 301295922), зарегистрированное в Сергелий-
ском р-не г. Ташкента (реестр № 002173-06, 14.01.2011 г.), расположенное по а-
дрессу: г. Ташкент Сергелийский р-н массив Строитель д. 6 кв-ра 17, ликвидирует-
ся. Претензии принимаются в течение двух месяцев после публикации объявле-
ния по тел.: 412-79-77.

Ташкент ш. Мировод т.даги 110-мактаб томонидан 2008 йил Исраилов Рус-
тамжон Рахмоновнинг номига берилган О'Р-Ш № 0922173 рақами шарафатно-
ма (аттестат) йўқлигини сабаби бекор қилинди.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Аграрноат комплекс
тартибидagi ҳамда шу
тармоқда дaхлдoр
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Аллит АДИЛОВ, Улугбек УЗОКОВ,
Сайсатон АБДУЛЛАЕВА, Мамаду ТОИР,
Хамройи РАЗЗОКОВ, Халиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат
САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Омонкул ЮНУСОВ, Аскар ҚУЛМУРDOV,
Ренат НАЗАРОВ, Шероз ҚУЛОМОВ,
Мурод АбДУСАМОВ (масхул кoтoб).

Газета сешанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқиди.

Буюртма Г-314,
ҳажми 2 бoсма
табoк.

Офсет усулида бoсилди,
қoғoз бичими А-2.

Бухоро Вилояти

ҚИШЛОҚЛАРДАГИ ГАВЖУМ ГҶШАЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги барча қишлоқ туманлари қатори Пешкуда ҳам болалар спортини ривож-лантиришга алоҳида эътибор қаратил-моқда. Бу борада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шугулланиш-лари учун яратиб берилган шарт-шароит-лар самараси ўларoқ, туманда спортс-вар ёшларнинг сафи йилдан-йилга кўпайиб, улар қўлга киритаётган ютуқлар кўлами ҳам тобора ортиб борапти. Айниқса, спортнинг бадий гимнастика, волейбол, футбол, миллий кураш турлари бўйича вилoят ва ре-спублика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда туман ёшлари юқори кўрсаткичларга эришиб келишмоқда.

— Мустақиллик йилларида ту-манимизда бир неча замон та-лаблари даражасидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари куриб, ишга туширилди, — дейди Болалар спортини ривожланти-риш жамғармаси туман бўлими бош мутахассиси Муродилло Қудратов. — Умумтаълим мактаб-лари қошидаги спорт заллари ва спорт майдончалари ҳам бoсқич-ма-бoсқич таъмирдан чиқарилди. Кўшимча янги бинолар қурилди.

Биргина ўтган 2011 йилда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридagi Болалар спортини ривожланти-риш жамғармаси томонидан ту-мандаги болалар спорт мажмуа-ларини қуриш ва уларни зарур спорт жиҳозлари билан таъмин-лаш мақсадида 59 миллион 584 минг сўм маблағ ажратилган.

Тумандаги 29-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Қалай-миришкор қишлоқ фуқаролар йи-гини ҳудудида жойлашган. Бу ерда қишлоқ ёшлари спортнинг волейбол, футбол, баскетбол, стол тенниси, шашка ва шахмат турлари билан шугулланиш им-кониятига эга. Маскандagi тўғарак-ларда қатнашадиган 347 нафар



Розия Абунасова бадий гимнастикачи қизлар билан навбатдаги машғулот ўтказаяпти.



Мураббий Наргиза Шукурова баскетболчи қизлар билан.

ўғил-қизларга 12 нафар мураббий машғулотлар олиб боришади. Мактаб тарбияланувчиларининг ўтган йиллар давомида қўлга ки-ритган кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Волейболчи қизлар жамо-аси 2006 йил Қарши шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида вилoят ша-рафини ҳимоя қилишган бўлса, йигитлар жамоаси ўтган йили Халқ таълими вазирлиги соври-ни учун ўтказилган турнирнинг республика бoсқичида фахрли

биринчи ўринни эгаллашди. II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Розия Абунасова эса тумандаги 19-сон болалар ва ўсмирлар спорт макта-бида 8 йилдан буюн ўсмир қизлар-га бадий гимнастика спортини си-рларини ўргатиб келади. Маскандa тарбияланаётган 150 нафар ёш қизларнинг нафис спорт тури би-лан шугулланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Улар орасидан вилoят терма жамо-аси аъзолари, таълим муассаса-

БОЛАЛАР СПОРТИ

лари ўртасида ўтказилган мусоба-қаларда ғолибликни қўлга кирит-ган спортчилар қўлаб топилди. — Фаолиятининг дастлабки йилларида бу қадар кўрсаткичлар-га эришишни ҳаёлимга ҳам кел-тирмагандим, — дейди муаллим. — Қишлоқ ҳудуди эмасми, кўнгли-мизда ота-оналар фарзандини мактабимизга берармикан? — деган ҳадик бор эди. Бугун улар-нинг ўзлари болаларини етаклаб масканимизга келишаётгани биз мураббийларни ҳам янада масъ-улият билан ишлашга ундаяпти.

Тумандаги бошқа илм маскан-ларида бўлганимизда ҳам у ерда-ги спорт майдончалари ва залла-рининг болалар билан гавжумли-гига ғувоҳ бўлдик. Мураббийлар-нинг мавжуд тўғаракларга нафа-қат спортсавар ёшларнинг, балки уларнинг ота-оналарининг қизиқи-ши ортиб бораётгани ҳақидаги илқ фикрлари кишини қувонти-ради. Зеро, келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши йўлида қилинаётган бу каби сазй-ҳаракатлар келгусида ўз натижа-сини кўрсатиши турган гап.

Хамроз АЛИ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚҶИДАГИ ОБЪЕКТ
БҶЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилoяти Ангор тумани ФХДЁ бўли-ми биносини капитал таъ-мирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат соли-ғи билан бирга — 260,108 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 216,576 миллион сўм, қурилиш муд-дати — 6 ой.

Буюртмачи: Сурхондарё вилoяти Адлия бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри А.Икромов кўчаси 40-уй. Тел.: (8-376) 223-38-79, 223-44-49 ф.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялашти-риш — Ўзбекистон Респу-бликаси Адлия вазирлигининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қат-нашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов

савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айлан-ма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағлар-ни беришга банк фoлатно-масига, ишлар (хизматлар)-ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мав-жудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молия-вий имкониятларга, шартно-ма тузиш юзасидан пудрат-лик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажри-бали ва ишончли бўлишлар-и шарт.

Танлов савдоларида мам-лакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳолан-ганда мамлакатимиз пудрат-чилари учун қўйидаги нарх преференциялари қўзда тути-лади: танлов иштирокчилари-

нинг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифла-рида четдан ишлар (хизмат-лар) киритилиши қўзда тутил-ганда ва бунда импорт кулу-вчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи сум-масига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 07 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 01 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов сав-долари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтқа-зилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Дав-

архитектурилиш» қўми-тасининг қурилишда тан-лов савдолари ва нарх-ларини шакллантириш Сур-хондарё вилoяти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича му-рожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.

Бир тўлпан танлов ҳуж-жатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақ-дим этишнинг охириг мудда-ти офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган қўнда бoслаб 30 кундан кейин, қўйидаги манзилда: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

Вниманию организаций и предприятий!

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ СРЕДИ
ОРГАНИЗАЦИЙ МАЛОГО БИЗНЕСА НА ОБЪЕКТ:

«Строительство склада зерна на 5,0 тыс. тонн на территории ОАО «Навоийдонмахсулотлари».

Стартовая стоимость заказчика без НДС 255 791 667 сум, с НДС 306 950 000 сум.

Срок завершения строительства: 45 дней.

Заказчик ОАО «Навоийлебпродукт» Навоийской области.

Расположенный в г.Навои, поселе-лок «Спутник».

Финансирование осуществляет-ся за счет собственных средств.

Предприятия и организации, вы-ступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные сред-ства в размере не менее 20 % от сто-имости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предос-

тавление указанных средств, произ-водственные базы, трудовые ресурс-ы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогич-ных конкурсному объекту, гражданс-кой правоспособностью и полномо-чиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строи-тельных организаций при оценке кон-курсных предложений предусматрива-ются следующие ценовые преферен-ции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добав-ленную стоимость, дoсчитываются на

сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобрете-ния конкурсной документации необ-ходимо обратиться с запросом к ор-ганизатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурс-ным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской об-ласти по адресу г.Навои ул.Гвасали-я-2а. Тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта доку-ментов 100 000 сум.

Оферты принимаются организато-ром торгов по адресу: г.Навои ул. Гвасалия-2а, тел.: 225-49-96.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не ме-нее чем через 30 дней после опубли-кования объявления.



МИНИ-ФУТБОЛ

«АРДУС» – САРАЛАШ
ТУРНИРИ ГОЛИБИ

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган мини-футбол бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш турнири якунига етди.

Тошкентнинг «Арду» жамоаси барча учрашувларда ғала-ба қозониб, мусобақанинг финал қисмига йўл олди. Мусо-бақа қоида-сига қўра, минтақавий саралаш турнирида даст-лабки икки погонани эгаллаган жамоа Осиё чемпионати-да тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритади. Шу йилнинг июль ойида Қувейтда бўладиган мини-футбол бўйича клублар ўртасидаги навбатдаги Осиё чемпионатининг финал бoс-қичига бериладиган йўлланманинг иккинчисини Қатарнинг «Ар-Райан» клуби қўлга киритди.



Жами бўлиб турнирда бешта жамоа — мамлакатимиз-нинг кўп қарра чемпиони «Арду», «Ал-Васл» (Бирлашган Араб Амирликлари), «Ар-Райан» (Қатар), «Ал-Карх» (Ироқ) ва «Налоговик» (Қирғизистон) жамоалари иштирок этди.

«Арду» ва «Ар-Райан» ўртасидаги сўнгги тур учрашуви саралаш мусобақаси голибини аниқлади. Мазкур баҳсда ҳужумкор ўйин намойиш этган «Арду» аъзолари 9:1 ҳисо-бида ғалаба қозонди. Голларга бой бўлган ўйинда қатарлик-лар дарвозасига Дилшод Ирсалиев ва Жамолддин Шари-пов учтадан, Фарход Абдумавлонов, Константин Свиридов ва Дилшод Раҳматов биттадан гол киритди. «Ар-Райан»нинг ягона жавоб тўпи Салим Ал-Жарҳаб ҳисобига ёзилди.

ФУТБОЛ

РАҚИБЛАРИМИЗДА
БИР ОЧКОДАН

Осиё қитъасидан олимпиада йўлланмасини қўлга киритиб улгурган учта мамлакат (Жанубий Корея, БАА, Япония) номи маълум. Вьетнамда гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаган — Сурия, Уммон, шунинг-дек, Ўзбекистон олимпиада терма жамоалари «ярим-та» йўлланма учун курашни давом эттирмоқда.

Дастлабки учрашувда терма жамоамиз рақиблари Су-рия ва Уммон терма жамоалари ўзаро баҳслашиб, 1:1 ҳисо-бидagi дуранг натижани қайд этишди.

Учрашунинг 90-дақиқасигача уммонлик олимпиячилар ҳисобда олдинда боришди. Фақатгина ҳакам томонидан қўшиб берилган 5 дақиқанинг сўнгги сурияликлар ҳисо-би тенглаштиришга муваффақ бўлишди.

Ҳамюртларимиз биринчи учрашувни Сурия олимпия тер-ма жамоасига қарш 27 март куни ўтказишди. Учрашув Тошкент вақти билан 18:00 да бошланади. 29 март куни ўтказиладиган терма жамоамизнинг Уммон термасига қарш баҳси эса 17:00 га белгиланган.

ОДИЛ ГОЛ УРДИ

Россия премьер-лигаси вакили Махачқалъанинг «Анжи» клуби шарафини ҳимоя қилаётган Ўзбекис-тон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов премьер-лиганинг 36-тури доирасидан ўрин олган Краснодарнинг «Кубань» жамоасига қарш кечган учрашувда гол киритишга муваффақ бўлди.



Учрашувни фаол бошла-ган ҳамюрт-имиз биринчи бўлимда ёқ узoқ масофа-дан бир неча бор рақиб дар-возасини ни-шонга олди. Аммо голни иккинчи бўлим 61-дақиқасида бoш билан зарба бериб киритди ва жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. 80-дақиқада Одил «қарзини ўзди». Энди Буссуфа тўп муалли-фи, Одил эса ҳаммуаллиф бўлди. Учрашув «Анжи»нинг 2:0 ҳисобидagi ғалабаси билан якунланди.

«Анжи» 36-турдан сўнг 59 очко тўплаган ҳолда олтинчи погонани эгаллаб турибди. Бешинчи ўриндаги Москванинг «Динамо» клубида ҳам шунча очко мавжуд.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрноат комплекс тартибидagi ҳамда шу тармоқда дaхлдoр вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Аллит АДИЛОВ, Улугбек УЗОКОВ, Сайсатон АБДУЛЛАЕВА, Мамаду ТОИР, Хамройи РАЗЗОКОВ, Халиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонкул ЮНУСОВ, Аскар ҚУЛМУРDOV, Ренат НАЗАРОВ, Шероз ҚУЛОМОВ, Мурод АбДУСАМОВ (масхул кoтoб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рухсатдан ўтказилган. ISSN 2010-7023 Қабулхона — 236-58-83, Котибят — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисодий- сий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДАУДАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибят — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисодий- сий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДАУДАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона —
--	---	---	---	--